

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАГИРОВА МАШХУРА АМИРИДДИНОВНА**

**НАНО- ВА МИКРОҚОБИҚЛАРДА АНТИОКСИДАНТ  
ФЕРМЕНТЛАРНИ ИММОБИЛЛАШ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тагирова Машхура Амиридиновна**

Нано- ва микроқобикларда антиоксидант ферментларни имобиллаш ..... 3

**Тагирова Машхура Амиридиновна**

Иммобилизация антиоксидантных ферментов в нано- и микросферы ..... 21

**Tagirova Mashkhura Amiriddinovna**

Immobilization of antioxidant enzymes in nano- and microspheres ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАГИРОВА МАШХУРА АМИРИДИНОВНА**

**НАНО- ВА МИКРОҚОБИҚЛАРДА АНТИОКСИДАНТ  
ФЕРМЕНТЛАРНИ ИММОБИЛЛАШ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/K451 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сahифасида (www.samdu.uz) va «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:** Муҳаммадиев Нуралӣ Қурбоналиевич  
кимё фанлари доктори, профессор  
Клячко Наталья Львовна  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Сидиков Абдужалол Сидикович  
кимё фанлари доктори, профессор  
Ишанкулов Алишер Фармонович  
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори


**Ётақчи ташкилот:** Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ш. Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «16» 11 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хибони, 15-уй, кимё факультети биноси, 1-қavat, 107 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).


Диссертация билан Ш. Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (184 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хибони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51, E-mail: m\_nasrullaeva@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» 11 ойи 18 куниндаги  
(2022 йил «16» 11 даги 16<sup>00</sup> рақамли олий кенгашнинг мажлисида).



  
Насимов А.М.  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

  
Сайиткулов Ш.М.  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,  
к.ф.н., доцент

  
Рўзимуродов О.Н.  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ферментлар ва уларнинг иммобилланган системалари кимё ва биотехнологияда катализатор, тиббиётда дори воситаларини мақсадли ташувчи, озик-овқат саноатида буёқ, озик-овқат қўшимчаси, вазнини назорат қилиш воситаси ҳамда кир ювишда сирт фаол модда сифатида кенг қўлланилишига қарамасдан уларнинг наноўлчамли заррачаларини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва қўлланилиш имкониятларини аниқлаш, шу билан бир қаторда магнитли наноаррачаларни олишнинг термодинамикаси ва кинетикаси ҳамда уларни тиббиётда дори воситаларини мақсадли етказишда қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда иммобилланган ферментларни олиш, уларнинг термодинамик, кинетик, ферментатив хоссаларини ҳамда уларнинг тузилишини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада оксидланиш натижасидаги қўрқин ҳолатини бартараф этишга хизмат қиладиган катализа ва супероксиддисмутазаининг сорбентлар сиртида иммобилланиш механизми, олинган системанинг физик-кимёвий ва каталитик хоссаларини ҳамда магнитли нанозаррачаларни олиш ва уларга паст частотали ўзгарувчан магнит майдонининг таъсирини аниқлашга алоҳида тибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ферментларни инактивациядан ҳимоя қилиш мақсадида нано- ва микросфераларда оқсилли антиоксидантлар тизимини яратиш ҳамда юқори оқсил унумдорлиги ва фаоллигига эга бўлган нанозаррачаларни олиш усулларини ишлаб чиқиш, антиоксидант ферментларини иммобиллаш, уларнинг магнитли нанозаррачали комплексларини олиш, ферментатив барқарорлиги ва фаоллигини сақлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципаал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ферментларни иммобиллашнинг янги усулларини яратиш, амалдагиларини такомиллаштириш, спенсерлар ва ташувчиларни излаш, улар асосида нанотизимларни яратиш, физик-кимёвий ва каталитик хоссаларини тадқиқ этиш, барқарорлигини таъминлаш ҳамда қўлланилиш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2022 йил 10 октябрдаги ПҚ-388-сон “Кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони;

3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иммубиллаш усулларини янада такомиллаштириш, яъни фермент молекулаларини қаттиқ сувда эрмайдиган ташувчилар юзасига маҳкамлаш ёки уларни геллар таркибига киритиш орқали сўнгги ўн йилликда мазкур соҳада сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Иммубиллаш жараёни иккита асосий муаммони ҳал қилади: у ферментни гетероген катализаторга айлантиради, унинг оқим тизимларида кўп ишлатилишини таъминлайди ва биокатализни амалиётга жорий этишни белгиловчи асосий омил бўлган иш барқарорлигини оширади.

Бу йўналишда Кабанов А.В., Клячко Н.Л., Головин Ю.И., Володькин Д.В., Балабушевич Н.Г., Трушина Д.В., Углонова С.В., Тюкел С.С., Маниккам Д.С., Шелдон Р.А., Зхао Й., Стоокей Л.Л., Талекар С., Счоеваарт Р., Лопез-Серрано П. ва бошқа олимларнинг хизматлари салмокли бўлиб, натижада юқори селективлик ва самарадорликни характерловчи яхшиланган саноат биокатализаторлари ва наносистемаларни олиш имкони яратилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига ҳисса қўшган ўзбек олимларидан академиклар Рашидова С.Ш., Ибрагимов Б.Т., Тўраев А.С., профессорлар Саримсоқов А.А., Рўзимуродов О.Н., Атаханов А.А., Холмуминов А.А., Воҳидова Н.Р. ва бошқалар нанотехнологик жараёнлар ва нано- ва микротизимларнинг биокимёдаги ролини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб боришган.

Саноатда ферментлардан тўғридан-тўғри фойдаланишда кўпинча уларда узоқ муддатли барқарорликнинг йўқлиги ва фермент фаоллигининг қайта тикланишининг қийинлиги шунингдек, уларни қайта ишлатишнинг мураккаблиги каби муаммоларга дуч келинади. Бироқ, ушбу қимматли биокатализаторларнинг иқтисодий ва экологик ҳаётийлигини таъминлаш учун иммубиллаш технологияларини қўллаш уларнинг самарали регенерацияланишини ва қайта ишлатиш имкониятини беради. Шунинг учун фермент фаоллигини барқарорлаштириш ва уни узоқроқ муддатга сақлаш имкониятларини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси “М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети”нинг гранти доирасида (Давлат рўйхатидан ўтказиш мавзуси АААА-А21-121011290089-4) ва Самарқанд давлат университети нинг илмий-тадқиқотлар режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иммобилланган антиоксидант ферментлар билан каталазининг CLEAs микросфералари ҳамда нано ўлчамли заррачаларнинг олиниш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ватерит матрицаси асосида каталаза CLEAs микроразрараларининг олиниш усулини ишлаб чиқиш, ушбу усулни фермент барқарорлигини ошириш мақсадида оптималлаштириш;

олинган CLEAs каталаза микроразрараларининг физик-кимёвий тавсифи ва ферментатив хусусиятларини ўрганиш;

ватеритда магнит нанозаррачалар иштирокида иммобилизацияланган фермент молекулалари билан микроразрарчалар олиш техникасини ишлаб чиқиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

қўш қаватли полимер матрица асосида биферментли нанозаррачалар (супероксид дисмутаза ва каталаза) олиш усулини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида микро- ва наносфераларда иммобилланган сигир жигаридан олинган каталаза ҳамда рекомбинант супероксиддисмутаза ферментлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** заррачалар ҳажми ва морфологияси,  $\xi$ -потенциал ва Михаэлис-Ментен константаларини аниқлаш, микро- ва наносфераларда иммобилланган каталаза ва супероксиддисмутазанинги антиоксидант ферментларининг умумий ва хусусий фаоллиги каби заррачаларнинг физик-кимёвий параметрларини ўрганиш ва уларнинг барқарорлигини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда ферментларнинг фаоллигини аниқлашнинг спектрофотометрик усуллари, ёруғлик, трансмиссия ва сканерлаш электрон микроскопия, динамик лазерли ёруғлик сочувчи қурилмада (“Zetasizer Nano ZS”, Малверн Инструмент, Буюк Британия) заррачалар ҳажмини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ватерит матрицаси асосида каталаза CLEAs олиниш усуллари ишлаб чиқилди ва микроразрарчаларнинг барқарорлигини таъминлашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

mCat-CLEAs микросфераларига ва нанозаррача юзасида ковалент иммобилиланган фермент молекуласининг конформацияси ва фаоллигига қуйи частотали ўзгарувчан магнит майдонининг таъсири аниқланган;

ватерит, каталаза, CC-Cat, Cat-CLEAs, mCat-CLEAs тизимлар ҳосил қилган қўш электрик қаватларнинг  $\xi$ -потенциаллар қиймати мос равишда

+9,16±0,42, -8,04±0,31, -20,50±0,86, -13,01±0,50 ва -9,50±0,22 мВ га тенглиги топилган;

водород пероксиднинг каталаза билан парчаланиш реакцияси Михаэлис-Ментен тенгласига бўйсунishi ва реакция учун  $KM=3,338$ ,  $\Delta_{\max}=1719$  мол/(л·с) га тенглиги асосланган;

синтез қилинган бифермент наноэррачаларнинг гидродинамик диаметрига буфер табиати ва концентрацияси, рН ва ферментларнинг бошланғич моляр нисбатининг таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

каталаза молекулаларини глутар альдегид билан ўзаро боғлаш орқали CLEAs олинишининг методикаси ишлаб чиқилган;

иммобилланган ферментлар фаоллиги ва барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ҳамда комплекслар синтезининг мақбул шароитлари аниқланган;

сферик ватерит матрицасида магнитли наноэррачалар ва каталазанинг mCat-CLEAs комплекси синтез қилинган;

бионаносистемаларнинг В ва РР витаминлари билан ҳосил қилган комплекслари дори препаратларини мақсадли етказилишининг механизми аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Асосий илмий ҳолатлар, хулосалар, ўлчовлар ва ўлчов воситаларининг бир хиллигини таъминлаш халқаро стандартларга мувофиқ текширилган ва илмий асбоб-ускуналар ёрдамида олинган натижалар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, нано- ва микросфераларда антиоксидант ферментларни иммобиллаш услубияти ишлаб чиқилган ҳамда олинган Cat-CLEAs, mCat-CLEAs ва биферментли комплексларнинг кинетик, ўлчам, физик-кимёвий характеристикалари аниқланган. Олинган натижалар нано ўлчамли иммобиллашган ферментли тизимларни олиш ва уларнинг физик-кимёси ҳақидаги билимларни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нано- ва микросфераларда иммобилланган Cat-CLEAs, mCat-CLEAs ва биферментли комплексларни синтез қилиш методикаси бошқа шу каби комплексларни олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нано- ва микросфераларда антиоксидант ферментларни иммобиллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Cat-CLEAs ва mCat-CLEAs ватерит микросфералари Москва давлат университетининг “Наноматериаллар кимёвий дизайни” лабораториясида доривор препаратларни етказишда қўлланилган (Москва давлат университети ҳузурдаги “Нанозим” МЧЖнинг 2022 йил 12-октябрдаги 221012-сон маълумотномаси). Натижада, дори воситаларини мақсадли етказиб бериш имконини берган;

супероксиддисмутаза ва каталазанинг бизнзим комплекси “Директ Квант Технолоджи” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“Директ Квант

Технолоджи” МЧЖ,нинг 2022 йил 18 октябрдаги 22-10-18/ДҚТ-сон маълумотномаси). Натижада куёнларда куруқ кўз синдроми даволашнинг имконияти яратилган;

СОД1+каталаза комплекси ва каталаза билан магнитли нанозаррачалар комплексини олиш усуллари “Integra DD” Ўзбекистон-Болгария кўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (“Integra DD” Ўзбекистон-Болгария кўшма корхонасининг 2022 йил 11 апрелдаги 75-сон маълумотномаси). Натижада, В витаминларининг нанокомплексларини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан, 14 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Нано- ва микросфераларда ферментларни иммобилизация қилишнинг физик-кимёсининг замонавий ютуқлари ва муаммолари”** деб номланган I бобида нано- ва микросфераларда антиоксидант ферментларни иммобилизация қилишнинг ютуқлари ва муаммоларига бағишланган ишларга адабиётлар шарҳи берилган. Кальций карбонатнинг полиморф шакллари кўриб чиқилган. Кальций карбонатнинг полиморф шакллари қиёсий физик-кимёвий хоссалари келтирилган. СОД1 ва каталаза ўз ичига олган биэнзим комплекслардан полиелектролитларни қўллаш билан фойдаланишнинг долзарблиги ўрганилган.

Диссертациянинг II бобида материаллар, жиҳозлар ва тадқиқот усуллари баён этилган.

Диссертациянинг **“Ватерит матричасида биргаликда чўктириш натижасида олинган CLEAs микросфералари”** деб номланган III бобида

каталаза ҳамда магнит наноаррачалар билан каталаза CLEAs системаларнинг олиниш келтирилган.


Cat-CLEAs микрофералари 1-расмда кўрсатилган схема бўйича тайёрланган.  $\text{CaCl}_2$  ва  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  тузларининг эритмаларини фермент иштирокида қуйиш йўли билан бирга чўктирилган каталаза (маҳсулот CC-Cat) бўлган ватерит микрофералари олинган. Глутар алдегиднинг микрофералар тузилишига таъсирини ўрганиш учун карбонат матричасини ЭДТА эритмаси билан эритиб, қиёсий синтез амалга оширилди. GA нинг микрофера тузилишига таъсири CC-Cat ни глутар алдегид эритмаси билан иммобиллаш, сўнгра карбонат матричасини ЭДТА эритмаси билан эритиш орқали амалга оширилди. Синтез натижасида эриш шартларига қараб Cat-GA ёки Cat-CLEAs маҳсулотлари ҳосил бўлади.



1-расм. CLEAs каталазанинг синтез қилиниш схемаси


Синтез натижасида биринчи босқичда CC-Cat-GA агрегати ҳосил бўлади, бу ватерит ва каталазадан иборат матрицадир. Ватерит ва каталаза эритмаси чегарасида электрохимёвий потенциалларнинг тенгсизлиги туфайли қўш электр қатлами (ҚЕҚ) пайдо бўлади. ҚЕҚ тузилиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, каталаза қўшилиши микроаррачаларнинг  $\xi$ -потенциалини сезиларли даражада пасайтиради, чунки биз танлаган синтез шароитида каталаза молекулалари манфий зарядга эга. Карбонат матричаси 0,2 М ЭДТА эритмаси билан эритилгандан сўнг синтезнинг иккинчи босқичида ҳосил бўлган реакция аралашмасининг таҳлили шуни кўрсатдики, биргаликда чўкма оксиди таркибига  $54 \pm 8$  мг/г ташувчи, ва ферментнинг хусусий фаоллиги Cat-GA таркибига  $4200 \pm 600$

бирлик/мг бўлиб, бу кўрсаткич каталаза фаоллигининг дастлабки ҳолатидан 70% га пасайганини кўрсатади. Шу билан бирга, реакция аралашмасида CLEAsларнинг мавжудлиги визуал тарзда аниқланмади. Шу муносабат билан ватерит матрицасининг эриш шартларининг каталазанинг функционал хусусиятларига таъсири ўрганилди. Адабиёт маълумотларига асосланиб, эритувчи сифатида этилендиаминтетраамин кислота (ЭДТА) дан фойдаланишни мақбул деб топдик.



**2-расм. Cat солиштирма фаоллигининг кальций карбонат матрицасининг эриш шартларига боғлиқлиги**

2-расмда Cat нинг хусусий фаоллиги ва калций карбонат матрицасининг эриш шартлари ўргасидаги муносабат келтирилган. ЭДТА нинг (фракционал), яъни томчилаб куйишга ўтиш билан биргаликда каталазанинг хусусий фаоллиги ферментнинг бошланғич фаоллигининг 60% гача кўтарилиши ва хелатлаштирувчи воситанинг бирданига қуйилишидаги фаоллигига нисбатан юқори бўлишлигига эришилди. Кўриниб турибдики, калсий карбонатнинг эриши пайтида каталаза қайтарилмас тарзда инактивланади ва ватеритнинг юқори эриш тезлиги ферментнинг кучлироқ инактивациясига сабаб бўлади.



**3-расм. GA нинг Cat-GA нинг қолдиқ фаоллигига таъсири**


Тахмин қилиш мумкинки, СС-Cat нинг эриши шайтида  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{CO}_3^{2-}$  ионларининг юкори маҳаллий концентрацияси юкори ион кучи туфайли ферментнинг фаоллигига таъсир қилиши мумкин, бу эса ферментнинг қисман денатурациясига олиб келади. Шу муносабат билан, фракционал кўшилган ЭДТА концентрациясини 0,1 М га камайтириш орқали эриш шартлари "юмшатишган". Бирок, 0,2 М ЭДТА нинг фракционал кўшилиши билан ватеритнинг тўлиқ эриши 30-40 дақиқа давом этган бўлса, 0,1 М ЭДТА билан эса 60-80 дақиқа вақт сарфланди.

Сферик микросфераларни олишда глутар алдегид бифункциял восита сифатида қўлланилди. GA/каталазининг моляр нисбатининг Cat-GA нинг қолдиқ фаоллигига таъсири 0,1 М ЭДТА эритмасининг фракционал кўшилиши билан ўрганилди. Олинган маълумотлар 3-расмда кўрсатилган.

Шу билан бирга, ўзаро боғловчи агент концентрациясининг ошиши билан ферментнинг қолдиқ фаоллигининг сезиларли пасайиши кузатилди. Шубҳасиз, бу факт бифункционал агент томонидан фермент глобулиннинг ковалент модификацияси билан боғлиқ.

1/1 дан 100/1 гача бўлган GA/оқсил моляр нисбати оралиғида эритмада Cat-CLEAs микросфераларининг шаклланиши кузатилмади. Оптимал моляр нисбат 200/1 ни ташкил қилади.

Cat ва Cat-GA нинг ўзига хос фаоллигини қиёсий баҳолашни ўтказиш учун ЭДТА концентрациясининг ферментнинг хусусий фаоллигига таъсирининг боғлиқлиги ўрганилди. Cat ва Cat-GA нинг ўзига хос фаоллигини қиёсий баҳолаш ўтказилди (4-расм).




4-расм. Cat-GA хусусий фаоллигининг ЭДТА концентрациясига боғлиқлиги

Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, матрица эритмасининг барча вариантларида Cat-GA фаоллигининг пасайиши Cat фаоллигининг 25-30% ни ташкил қилади, глутар алдегид билан натив каталаза инкубациясида (экспериментал шароитлар бир хил) ватерит микрозарраларида каталаза ўзаро боғланишида бўлгани каби) солиштирма фаолликни йўқотиш 60-65% ни ташкил этди. Кўринишидан, экспериментал шароитда ватерит


матричасига киритилган барча каталаза молекулалари бифункциял агент билан ўзаро таъсирлашиш қобилиятига эга эмас.

Оптимал синтез шароитида олинган микросфераларнинг шакли ва ўлчамлари нурланувчи ва сканерлаш микроскопияси ёрдамида аниқланди (5-расм). Кўриниб турибдики, олинган Cat-CLEAs микросфералари шарсимон шаклга эга ва уларнинг ўлчамлари CC-Cat нинг ўлчамларига яқин эканлиги аниқланди ( $3,4 \pm 1$  мкм).



**5-расм. Cat-CLEAs микрорасмлари (А ва Б - сканерлаш электрон микроскопида, С - трансмиссия электрон микроскопида)**

Олинган микрозаррачаларнинг барқарорлигини баҳолаш учун  $\xi$ -потенциалнинг қиймати аниқланди. 6-расм ўрганилаётган объектларнинг  $\xi$ -потенциал қийматларини кўрсатади. Аниқланишича, Cat-CLEAs нинг потенциалли ортиб, ЭДТА карбонат матричаси концентрациясидан қатъи назар, эритиш учун қўшилган табиий каталаза зарядига яқинлашган.



**6-расм. Cat-CLEAs заррачаларининг  $\xi$ -потенциал қийматлари**

CC, CC-Cat ва Cat-CLEAs зарраларининг миқдори оптик микроскоп ёрдамида баҳоланди. Ватерит микросфераларининг потенциал сонининг назарий ҳисоб-китоблари (заррачаларнинг ўртача диаметри, ватерит зичлиги ва синтез ҳосилдорлиги асосида) CC ва CC-Cat учун экспериментал маълумотларга яхши мос келди.


Шундай қилиб, карбонат матричасининг эриш тезлигининг ошиши нафақат матрицага киритилган ферментнинг кўпроқ инактивациясига олиб келади, балки CLEAs зарраларини кучлироқ йўқ қилишга олиб келади, деб тахмин қилиш мумкин.

**Карбонат матричасининг турли эриш шароитларида синтез  
маҳсулотларидаги заррачаларнинг умумий сони**

Назарий миқдор	СС	СС-Cat	Cat-CLEAs		
			0,2М ЭДТА, бир вақтнинг ўзида	0,2М ЭДТА, томчилаб	0,1М ЭДТА, томчилаб
$4,5 \cdot 10^9$	$(5 \pm 1) \cdot 10^9$	$(3,1 \pm 1,5) \cdot 10^9$	-	$(1,8 \pm 0,5) \cdot 10^8$	$(6,5 \pm 0,3) \cdot 10^8$


Ферментнинг ўзаро боғланиш самарадорлигини текшириш учун Cat-CLEAs суспензияси микросфералар тўлиқ жойлашгунча инкубация қилинди. Супернатантдаги каталаза фаоллигини ўлчашда фаол ферментнинг қолдиқ миқдори қайд этилган (7-расм). Шундай қилиб, экспериментал шароитда ватеритга бириктирилган барча каталаза Cat-CLEAs ларда глутар алдегид билан ўзаро боғланади. Бунга СС нинг эриши пайтида  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{CO}_3^{2-}$  ионларининг юқори маҳаллий концентрацияси туфайли "осмотик зарба" сабаб бўлиши мумкин.

Турғунликни ўрганиш учун назорат тажрибаларини ўрнатишда табиий каталаза эритмасининг хусусий фаоллиги ҳам, Cat-GA ва Cat-CLEAsларнинг фаоллиги ҳам ферментнинг дастлабки концентрациясига боғлиқлиги аниқланди.




**7-расм. Солиштирма фаолликнинг инкубация вақтига боғлиқлиги**

Бу каталаза инактивациясининг диссоциатив характерини аниқ кўрсатади. Шу муносабат билан, Cat-CLEAs нинг барқарорлиги бир хил концентрацияли фермент эритмаси билан солиштирганда ўрганилди. Расмдан кўриниб турибдики, ватеритда чўктириладиган каталазанинг глутар алдегид билан ўзаро боғланиши бундай препаратлар учун ЭДТА эритмасида фермент барқарорлигининг кутилган ўсишига олиб келмади.



8-расм. Cat-CLEAs микрофераларининг саклаш барқарорлиги (4°C, ЭДТА)



9-расм. ТРИС буферида вақт ўтиши билан Cat-CLEAs микрозарраларининг солиштирма фаоллиги, 4°C

Шу билан бирга, суспензиядаги Cat-CLEAs зарралари сони деярли ўзгармади. Шу муносабат билан келажакда синтез қилинган микрофераларнинг ўзига хос фаоллигини саклаш муддатини ошириш учун ТРИС буфер эритмасидан фойдаланилди (9-расм). ТРИС буфер эритмасига ўтиш вақт ўтиши билан заррача барқарорлиги давомийлигини оширишга ёрдам бериши аниқланди.

$H_2O_2$  нинг катализатор - каталаза иштирокида парчаланиш кинетикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, водород пероксидининг парчаланиш тезлиги кислород концентрациясига корреляция коэффициентининг квадратик қиймати 0,963 бўлган логарифмик боғлиқликка эга. Бу факт ўрганилаётган реакциянинг мунтазам йўналишини тасдиқлайди. Михаэлис-Ментен тенгламаси константасининг қийматини аниқлаш учун  $1/\vartheta$  нинг  $1/[C]$  га боғлиқлигини топдик. Бу боғлиқлик  $K_M=3,338$  ва  $\vartheta_{max} = 1719 \frac{mol}{l \cdot s}$  қийматлари қабул қилиб, катъий чизиқли характерга эга эканлигини аниқладик.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида ватерит матрицаси асосида каталаза микрофераларини олиш учун оптимал шароитлар асослаб берилди. Ватерит матрицасини эритиш учун хелатлаштирувчи восита сифатида 0,1 М ЭДТА дан 200/1 GA/каталазанинг ўзаро боғланиш агенти нисбатида агентни фракционал кўшиш орқали фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳозирги кунда ферментатив нано заррачаларнинг микрофераларини олиш соҳасида ривожланаётган ёндашувлардан бири магнит нано заррачалар (МНЗ) иштирокида паст частотали ўзгарувчан майдондан фойдаланиш ҳисобланади. Магнит сезгир CLEAsларни синтез қилиш технологияси ва бундай заррачаларни паст частотали ўзгарувчан магнит майдон (ПЧ ўММ) таъсирида бошқариш қобилияти магнит нано заррачалар иштирокида ўзаро боғланишни амалга ошириш орқали CLEAs зарраларининг мураккаблиги ва долзарблигини янги даражасига кўтариш имконини беради.


Феррозин тести ёрдамида микросфералардаги магнит нанозаррачаларнинг микдорий таркиби аниқланди ва киритилган нанозарраларнинг 50% гача mCat-CLEAs таркибига кириши аниқланди.

mCat-CLEAs заррачаларини синтез қилиш усулини ишлаб чиқишда биз темир (III) ацетиласетоннинг бензил спиртида термик парчаланиши натижасида олинган ва допамин билан қопланган темир оксиди нанозарраларидан фойдаландик.

Тажрибада ватерит микросфераларини тайёрлаш жараёнида тизимга бир вақтда каталаза ферменти қўшилиши билан ўлчами  $9 \pm 2$  нм бўлган синтезланган сфера шаклидаги МНЗлар қўлланилди. Ватеритга магнит нанозаррачалар ва каталазаларнинг бир вақтда киритилиши CLEAs синтезининг бошқа ҳолатларидаги каби mCat-CLEAs шаклининг ўзгаришига олиб келмаслиги аниқланди.

Cat-CLEAs микросфераларини синтез қилишда магнит заррачалардан фойдаланиш истиқболларини баҳолаш учун синтез қилинган mCat-CLEAs заррачаларининг асосий физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди. 10-расмда Cat-CLEAs ва mCat-CLEAs заррачаларининг  $\xi$ -потенциал қийматлари кўрсатилган. Магнит нанозаррачаларнинг киритилиши микрозаррачаларнинг  $\xi$ -потенциалини Cat-CLEAsларга қараганда камроқ салбий қилишини кўрсатди, бу эса магнит нанозаррачаларни синтез қилиш шартлари билан боғлиқ деб қаралади.

Карбонат матрицаси эритилгандан кейин реакция аралашмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, биргаликдаги чўктиришда оксилнинг киритилиши  $54 \pm 6$  мг/г ташувчи, mCat-CLEAs ларда ферментнинг хусусий фаоллиги ЭДТА эритмасида  $4540 \pm 470$  U/мг ни, ТРИС буфериди (pH- 8,0)  $3000 \pm 200$  U/мг ни ташкил қилди.



10-расм. mCat-CLEAs микросфераларининг  $\xi$ -потенциал қийматлари

mCat-CLEAs микросфераларида каталаза барқарорлигини баҳолаш учун препарат ЭДТА ва ТРИС буфер эритмасида  $4^\circ\text{C}$  да инкубация қилинди (2-жадвал). Шуни таъкидлаш жоизки, 10 кунлик инкубациядан сўнг ҳар иккала эритмада ҳам каталаза нисбатан юқори барқарорликни кўрсатди. Шу билан

бирга, фермент СС-mCat-GA ватерит матрицасида 10 кун давомида сақланганда янада юкори барқарорликни кўрсатди, шундан сўнг фаолликни ўлчаш учун у ЭДТАда эритилди ва ТРИС буфер эритмасига ўтказилди. Натижада каталазининг инкубациядан олдинги хусусий фаоллигига нисбатан хусусий фаоллиги 90-92% гача сақланиши кузатилди.

Фермент матрицада юкори фаолликни сақлаб қолиши маълум бўлганлиги сабабли, ферментни СС-mCat-GA матрицасида 30 кун давомида 4°C да инкубация қилиш учун тажриба ўтказилди, вақти-вақти билан алиқвотларни эритиб, каталаза фаоллиги ўлчанилди. Ватерит матрицаси эритилгандан сўнг, микросфералар ТРИС буферига ўтказилди (11-расм).


Магнит нанозаррачалар асосида бионаноматериаллардан биокимёвий реакцияларни бошқариш учун фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи муҳим тадқиқотлардан бири магнит майдонларининг тизим компонентларининг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш хисобланади.

## 2-жадвал

**mCat-CLEAs заррачаларида солиштирма фаолликнинг сақланиши, (U/мг)**

	1-ден (инкубацияга қадар)	10-ден (еритмада)	10-ден (матрицада)
mCat-CLEAs (ЕДТА)	4540 ± 470	1450 ± 220	3600 ± 350
mCat- CLEAs (ТРИС-8,0)	3000 ± 200	2600 ± 250	2700 ± 280

ПЧ ЎММ таъсири паст частотали ўзгарувчан магнит майдон генератори TOR MFG 01/12 (Наноматериаллар, Россия) частотаси 50 Гц ва индуксияси 110 мТ бўлган қурилмада олиб борилди. Синов намунасига ПЧ ЎММ 30 дақиқа давомида таъсир қилди. Бу вақтдан сўнг намунада микросфераларнинг мавжуд эмаслиги кузатилди ва бу факт ТЕМ томонидан тасдиқланди. ПЧ ЎММ таъсирида микросфераларнинг микдорий таркибини хисоблаш ёруғлик микроскопи ёрдамида аниқланди.



11-расм. СС-mCat-GA матрицасида бир ой давомида фермент инкубациясида каталазининг хусусий фаоллиги, (4°C, ТРИС буфери)

Намунага ПЧ ЎММ нинг 30 дақиқа давомида таъсирдан сўнг ферментнинг хусусий фаоллиги 95-98% гача тикланди. Магнит майдон таъсир қилмаган иккинчи назорат намунасида эса mCat-CLEAs микросфераларнинг бузилмаган ҳолда чўқиши ва ферментнинг хусусий фаоллигининг сақланганлиги кузатилди.

Микросфераларнинг мавжудлигини аниқлаш учун ПЧ ЎММ таъсирининг бошида ва охирида микросфералар сони ҳисоблаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ПЧ ЎММ таъсирдан 30 дақиқа вақт ўтгач, оптик микроскопда "бутун" микросфералар аниқланмаган. Бу факт ҳам ТЕМ томонидан тасдиқланди.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида mCat-CLEAs асосидаги контейнерлар ёрдамида дори воситаларини етказиб бериш имконияти асосланди.


Диссертациясининг V боби "Қўш қаватли полимер матрицаси (протамин ва ПЕГ-ПГ) асосида биферментли нанозаррачаларни (супероксиддисмутаза ва каталаза) олиниш техникасини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш" да электростатик кучлар таъсирида оқсил комплекслари ва иономерларнинг ўз-ўзини йиғиш усули ёрдамида матрица-полимер асосидаги биферментли нанозаррачаларни олишнинг оптимал шартлари келтирилган. Олинган нанозаррачаларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда каталаза ва супероксиддисмутазанинг ферментатив фаоллиги ва вақтга нисбатан барқарорлиги ўрганилган.

Минимал ўлчамдаги биферментли нанозаррачалар олишнинг оптимал шароитларни танлаш мақсадида фермент-полионли комплекслар ҳажмининг таъсири, муҳитнинг рН киймати, шунингдек, ишлатиладиган буфер эритмаларнинг табиати ва концентрацияси каби факторлар ўрганилган.

Маълумки, фермент-полионли комплексларнинг катталиги комплекс ҳосил бўлиш шароитларига, хусусан, муҳитнинг рН кийматига, фойдаланилган буфер эритмаларнинг табиати ва концентрациясига боғлиқ. Олинган экспериментал маълумотлар шуни кўрсатдики, ферментларнинг дастлабки моляр нисбати бизнзим комплексларнинг ўлчамларига ҳам таъсир қилади. Аниқланишича, СОД1/каталаза моляр нисбати 2:1 бўлганида СОД1/каталаза комплексларининг гидродинамик ўлчамлари минимал бўлиб, бу дори таъминотини яхшилаш имконини беради.

Буфер эритманинг табиати ва концентрациясининг СОД1/каталаза комплекслари ва протамин ва ПЕГ-ПГ асосидаги конюгатларнинг ўлчамларига таъсири тавсифланган (12-расм).

Кўриниб турибдики, буфер эритмалар концентрациясининг пасайиши билан заррачалар ҳажмининг пасайиши кузатилади. Буни эритмадаги ионлар концентрациясининг пасайиши билан электр қўш қаватнинг торайиши билан изохлаш мумкин. НЕРЕС буфер эритмасида заррачаларни синтез қилиш комплекслар ва конюгатлар шаклида кичикроқ ўлчамдаги препаратларни олиш имконини беради.



**12-расм. Қўш қаватли полимер матрицага асосланган СОД1/каталаза комплекслари ва конюгатларининг гидродинамик ўлчамларининг буфер табиати ва концентрациясига боғлиқлиги (рН=7,4, СОД1/каталаза 2:1).**


Қўш қаватли полиион биэнзим конюгатларнинг ҳосил бўлган заррачаларининг гидродинамик диаметрига рН қийматининг таъсири ўрганилди. Бу боғлиқлик, буфернинг табиатидан қатъий назар, рН 7,4 да аниқ минимал қиматга эга бўлишлиги ўз исботини топди. Бироқ, барча ўрганилган рН қийматларда фосфат буферда синтез қилинган конюгатларнинг ўлчамлари НЕРЕС буфер эритмасида синтезланган заррачаларга нисбатан сезиларли даражада каттароқдир эканлиги аниқланди (13-расм).

Олинган экспериментал маълумотлар шуни таъкидлашга имкон берадики, минимал ўлчамдаги қўш қатламли полимер матрица (протамин ва ПЕГ-ПГ) асосида қўш қатламли биэнзим СОД1/каталаза конюгатларини олиш учун оптимал шароит деб рН-7,4 да 10 мМ НЕРЕС буфер эритмасидан фойдаланиш ҳисобланади.


Олинган конюгатлардаги ферментларнинг барқарорлигини ўрганиш намуна олиш йўли билан амалга оширилди. 14-расмда СОД1 ва каталаза ферментлари фаолиятининг вақтга боғлиқлиги кўрсатилган.

Биэнзим конюгатдаги СОД1 ҳам, каталаза ҳам ўзларининг дастлабки фаоллигини камида 48-60 соат давомида сақлаб туриши аниқланди. Кейинчалик сақлаш билан фаолликнинг йўқолиши сезиларли бўлади ва каталаза СОД1 билан солиштирганда бироз тезроқ инактивланади. Бироқ, 25 кунлик сақлашдан кейин ҳам кузатиладиган фермент фаоллиги 75-85% ни ташкил қилди (14-расм).

Шундай қилиб, қўш қатламли полимер матрица (протамин ва ПЕГ-ПГ) асосида биэнзим нанозаррачаларни (супероксид дисмутаза ва каталаза) олиш техникасидан фойдаланиш энг паст ўлчамдаги конюгат нанозаррачаларни олиш имконини бериши кўрсатилди. СОД1/каталаза 2:1 моляр нисбатда НЕРЕС буфер эритмасининг 10 мМ, рН 7,4 да қўлланилиши минимал ўлчамдаги заррачалар синтези учун мақбул шартлар эканлиги аниқланди. Бундай шароитларда олинган конюгатлар вақт ўтиши билан ҳар иккала фермент учун ҳам нисбатан юқори сақлаш барқарорлигини таъминлашини кўрсатди.



**13-расм. Биэнзим СОД1/каталаза конюгатларининг гидродинамик диаметрининг буфер эритмаси рН қийматига боғлиқлиги**



**14-расм. 40°C да биэнзим қўш қатламли конюгат СОД1/каталазада фермент фаоллигининг сақланиши**

## ХУЛОСАЛАР

1. Ватерит матрицаси асосида каталаза CLEAs микросфераларнинг олиниш усуллари ишлаб чиқилди ва микрозаррачаларнинг барқарорлигини таъминлашнинг мақбул шароитлари аниқланди.

2. Ватерит матрицаси асосида каталаза ферменти молекулалари билан иммобилланган магнитли нанозаррачали системаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва уларга ПЧ ЎММ нинг mCat-CLEAs микросфераларига ва нанозаррача юзасида ковалент иммобилланган фермент молекуласининг конформацияси ва фаоллигига таъсири аниқланди.

3. Ватерит, каталаза, CC-Cat, Cat-CLEAs, mCat-CLEAs тизимлар ҳосил қилган қўш электрик қаватларнинг  $\xi$ -потенциаллар қиймати мос равишда  $+9,16 \pm 0,42$ ,  $-8,04 \pm 0,31$ ,  $-20,50 \pm 0,86$ ,  $-13,01 \pm 0,50$  ва  $-9,50 \pm 0,22$  мВ га тенглиги аниқланди.

4. Водород пероксиднинг каталаза билан парчаланиш реакцияси Михаэлис-Ментен тенгламасига бўйсунуши аниқланди. Реакция учун  $K_m=3,338$ ,  $\vartheta_{max}=1719$  мол/(л·с) қийматлари аниқланди.

5. Қўш қаватли полимер матрица (протамин ва ПЕГ-ПГ) асосида биэнзим нанозаррачалар (супероксиддисмутаза ва каталаза) олиниш усуллари ишлаб чиқилди ва мақбуллаштирилди. Ҳосил бўлган нанозаррачаларнинг гидродинамик диаметри буфернинг табиати ва концентрациясига, синтез эритмасининг рН қийматига ва ферментларнинг бошланғич моляр нисбатига боғлиқлиги кўрсатилди. Минимал ўлчамдаги конюгатларни НЕРЕС буфер эритмасида (10 мМ, рН 7,4) СОД1/каталаза моляр нисбати 2:1 бўлган шароитларда олиш мумкинлиги аниқланди. Бундай шароитда олинган конюгатлар ҳар иккала ферментнинг нисбатан юқори сақлаш барқарорлигини намоён этди.

6. Олинган бионаносистемаларнинг В ва РР витаминлари билан комплекслари синтез қилиниб, амалиётга тадбиқ этилди. Шунингдек, олинган микросфералардан мақсадли дори таъминотини ўрганишда фойдаланилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

**ТАГИРОВА МАШХУРА АМИРИДДИНОВНА**

**ИММОБИЛИЗАЦИЯ АНТИОКСИДАНТНЫХ ФЕРМЕНТОВ  
В НАНО- И МИКРОСФЕРЫ**

**02.00.04 – Физическая химия**

**02.00.12 – Нанохимия, нанофизика и нанотехнология (химические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.3.PhD/K451.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете имени Ш.Рашидова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

<b>Научные руководители:</b>	<b>Мухамадиев Нурали Курбаналиевич</b> доктор химических наук, профессор
	<b>Клячко Наталья Львовна</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сидиков Абдужалол Сидикович</b> доктор химических наук, профессор
	<b>Ишанкулов Алишер Фармонович</b> доктор философии химии
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Национальный университет Узбекистана</b>

Защита диссертации состоится «26» 11 2022 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, корпус химического факультета, 1-й этаж, 107 кабинет. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № 124. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: [m\\_nasrullaeva@mail.ru](mailto:m_nasrullaeva@mail.ru)

Автореферат диссертации разослан «18» 11 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 16 от «16» 11 2022 г.)



**Насимов А.М.**  
Председатель разового научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., профессор

**Сайиткулов Ш.М.**  
Ученый секретарь разового научного  
совета по присуждению учёной степени,  
к.х.н., доцент

**Рузимуродов О.Н.**  
Председатель разового научного  
семинара при Научном совете  
по присуждению учёной степени,  
д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Несмотря на то, что в мире ферменты и их иммобилизованные системы широко используются в качестве катализаторов в химии и биотехнологии, адресных носителей лекарственных средств в медицине, наполнителя в пищевой промышленности, пищевых добавок, средств контроля веса, поверхностно-активных веществ в стирке, важным является разработка методов получения наноразмерных частиц и определить возможности их применения, а также термодинамику и кинетику получения магнитных наночастиц и их использование для адресной доставки лекарств в медицине.

В мире большое значение придается получению иммобилизованных ферментов, изучению их термодинамических, кинетических, ферментативных свойств и их строения. В частности, особое внимание уделено механизму иммобилизации каталазы и супероксиддисмутазы на поверхности сорбентов, что служит для устранения состояния страха, вызванного окислительным стрессом, изучению физико-химических и каталитических свойств полученной системы, для получения магнитных наночастиц и воздействия на них низкочастотного переменного магнитного поля.

В нашей стране для защиты ферментов от инактивации разработаны системы белковых антиоксидантов в нано- и микросферах и методы получения наночастиц с высокой белковой продуктивностью и активностью, научные исследования по решению проблем иммобилизации антиоксидантных ферментов, получения их комплексов магнитных наночастиц, поддержание ферментативной стабильности и активности имеет важное значение. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> намечены важные задачи, направленные на “освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешний и внутренний рынок”. Поэтому создание новых методов иммобилизации ферментов, усовершенствование существующих, поиск спенсеров и носителей, создание на их основе наносистем, исследование их физико-химических и каталитических свойств, обеспечение их стабильности и расширение возможностей применения является одной из актуальных задач современной физики и нанохимии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-388 от 10 октября 2022 года «Об утверждении целевой программы стратегического развития химической и газохимической промышленности», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г., N УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «Химия» и «Биология»», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетных направлений развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VII. «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** В последние десятилетия в этой области был достигнут значительный прогресс, в основном, благодаря разработке техники иммобилизации, т.е. закрепления молекул ферментов на поверхности твердых водонерастворимых носителей или включения их в структуру гелей. Процесс иммобилизации решает две основные задачи: превращает фермент в гетерогенный катализатор, обеспечивая его многократное использование в проточных системах, и увеличивает его операционную стабильность, что является основным фактором, определяющим внедрение биокатализа в практику.

В этом направлении имеются заслуги таких мировых ученых как Кабанов А.В., Клячко Н.Л., Головин Ю.И., Володкин Д.В., Балабушевич Н.Г., Трушина Д.В., Угланова С.В., Тюкель С.С., Manickam D.S., Sheldon, R.A., Zhao Y., Stookey L.L., Talekar S., Schoevaart, R., Lopez-Serrano P. и других специалистов, что исследование которых позволяет получить улучшенные промышленные биокатализаторы и наносистемы.

В развитие данного направления внесли свой вклад такие ученые Узбекистана, как академики Рашидова С.Ш., Ибрагимов Б.Т., Тураев А.С., профессора Саримсаков А.А., Рузимуродов О.Н., Атаханов А.А., Холмуминов А.А., Вохидова Н.Р. и др. своими исследованиями по изучению нанотехнологических процессов и роль нано- и микросистем в биохимии.

